



ЎЗБЕКИСТОН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ КЕНГАЙМОҚДА

"Ўзэкспомарказ"да Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси очилди

Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2016 йил 1 июндаги "Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан "Ўзбекизовқатхолдинг", "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компаниялари, "Ўзбекизовқатзахира" уюшмаси, "Ўзагро-экспорт" ташқи савдо компанияси ва "Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси дирекцияси" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган мазкур ярмаркада мамлакатимизнинг мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, экспорт қилишга ихтисослашган компаниялари иштирок этмоқда.



Форумда АҚШ, Буюк Британия, Италия, Франция, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Латвия, Озарбайжон, Туркменистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон каби ўттиздан зиёд мамлакат қайта ишлаш ва савдо компаниялари, савдо ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, кишлққ хўжалиги йўналишидаги ва-зирлик ва идоралар, логистика компаниялари ва-

киллари ҳам қатнашмоқда. Биринчи Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори кишлққ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш ва фермерлик ҳаракатининг янада ривожланиши учун кенг йўл очиб берди. Натижада интенсив технологиялар мунтазам жорий қилиниб, сифатли ва мўл

ҳосил етиштирилмоқда. Истиқлолгача республикамизнинг дон, картошка, гўшт, сут ва бошқа асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланар эди. Соҳага қаратилаётган эътибор самарасида эндиликда халқимизнинг кундалик истеъмол товарларига талаби мамлакатимизда етиштирилган маҳсулотлар ҳисобидан тўлиқ таъминланмоқда.

Халқаро мутахассисларнинг эътирофича, юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари сарҳилилиги, шаштаълиги, энг асосийси, фойдали ва тўйимлилиги билан минтақа ва жаҳон бозорида жуда харидорғир. Шунинг учун ҳам саховатли ўзбек заминидан етиштирилган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатбар-



дошлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ ва бошқа кўплаб кишлққ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш ҳажми бўйича дунёда етакчи ўнта давлатдан биридир. Жорий йилнинг 12-15 июль кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ҳам бунинг ёрқин исботидир. "Ўзбекизовқатхолдинг" холдинг компанияси маълумотларига кўра, ярмарка якунлари бўйича қиймати 2 миллиард доллардан зиёд мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича 270 шартнома имзоланган. Экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг 27 фоизини сабзавот, 25 фоизини узум, 20 фоизини мева, 17,6 фоизини қўрилган ва қайта ишланган маҳсулотлар, 8,4 фоизини дук-

какли маҳсулотлар, 2 фоизини қовун ташкил қилган. – Серкўёш юртингизда етиштирилган меваларни, айниқса, олмани яхши кўраман, – дейди "Jiujiu Silk" компанияси директори Жу Лиэ (Хитой). – Кўргазмада биз учун янгилик бўлган картошканинг янги навини кўрдик ҳамда турп сабзавоти ҳақида билиб олдик. Аслида ҳам Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар саломатлик учун фойдаланган бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рақибонидан ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги, юқори сифати, экологик тоза ва хавфсизлиги, рақобатбардошлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли даражада юқори туради.

Давоми 4-бетда. ➡

Сайлов – 2016

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашувидаги маърузаси чоп этилмоқда.

Мазкур маъруза Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-3-саҳифаларга қаранг.

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ УЧУН СЕМИНАР

Тошкент вилоятида участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш, комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган ҳудудий семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Семинарларда округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини маси вакиллари, туман ва шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари иштирок этмоқда.

10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси ҳудудидаги 876 участка сайлов комиссияси таркибида 8 минг 173 аъзо тасдиқланган. Семинарларда мазкур участка сайлов комиссиялари аъзоларининг барчасини қамраб олиш, тарғибот тадбирларининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида олдиндан белгиланган қатъий режа асосида иш олиб боришмоқда.

– Ҳар бир семинарда иштирокчиларнинг умумий сони 200 дан ошиб кетмаслигига эътибор қаратилмоқда, – дейди 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари

М. Йўлдошева. – Бунинг натижасида тадбирларнинг ҳар томонлама самарали, қизғин савол-жавобларга бой ўтишига эришилмоқда. Тажрибали экспертлар участка сайлов комиссияларида ҳужжат юритиш, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга зарур ҳолларда ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз бериш ҳамда сайлов куни овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўртасида сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш сингари муҳим вазифалар бўйича тушунчалар бераётди.

"Участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқ ва ваколатлари", "Муҳим сиёсий жараёнда кузатувчилар институтининг аҳамияти", "Оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёни ошқоралигини таъминлашдаги роли" каби мавзуларда маърузалар тингланмоқда.

И. АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири.

2017 йил учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига обуна бўлишни унутманг!

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини сақлаш устувор вазифалардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш бора-расидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори бу йўналишда муҳим дастурил-амал бўлиб хизмат қилмоқда.

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИҚМАТ КўП

Албатта, она соғлом бўлса, бола ҳам соғлом туғилади. Бунинг учун ҳар бир оилада тиббий маданиятни янада юксалтириш керак. Аҳолини, айниқса, оналар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш учун туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ва кишлққ врачлик пунктларида барча шароитлар яратилган, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Шифокорлар малакасини узлуксиз ошириб бориш доимий эътиборда.

Никоҳдан ўтувчи ёшларни тиббий кўриқдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётти. Оила қуриш истагидаги ёшларнинг соғлигини назорат қилишда тиббиёт муассасаси ходимлари, ҚВП ва поликлиника шифокорлари билан ҳамкорликда амалга ошири-

лаётган ишлар яхши самара бермоқда. Бу эса, соғлом оилани шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

ФХДё бўлими ходимлари, хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ЁИО, "Маҳалла" хайрият жамоат фонди, соғлиқни сақлаш ходимлари ҳамкорлигида касб-ҳунар коллежлари ва мактабларда "Оила – муқаддас кўрғон", "Соғлиқнинг – бойлигин", "Она саломатлиги – боланинг бахти" мавзуларида ўтказилаётган давра суҳбатлари ҳамда эрта никоҳнинг олдини олишга қаратилган жонли мулоқотлар кўпчилики қизиқтирмоқда.

Бу каби тадбирлар ёшларнинг тиббий маданиятини оширишда муҳим ўрин тутди.

Нигора ТОҶИБОВЕВА,
Юқори Чирчиқ тумани
ФХДё бўлими биринчи
тоғлифи инспектори.

БЕЖИРИМ ЛИБОСЛАР

Мамлакатимизда экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусий секторда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ҳамда истиқболли фаолиятни таъминлашда муҳим омил бўлаёттир.

Экспорт

Таъкидлаш жоиз, бугун тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат маҳаллий, балки жаҳон бозорларида ҳам харидорғир.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Тошкент вилояти хузуридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан жорий

йилнинг 9 ойи мобайнида бир юз олтидан ортиқ ишбилармонга қурилиш, текстиль, озиқ-овқат саноати, кишлққ хўжалик маҳсулотлари, туризм, транспорт, маркетинг, консалтинг хизматларини хорижга экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий, консултатив ҳамда молиявий кўмак кўрсатилган. Натижада, умумий қиймати 212,6 млн. АҚШ долларлик экспорт шарт-

— ХОРИЖ БОЗОРИДА

номалари тузилди. Бошқача айтганда, ўттиз бешга яқин тадбиркорнинг умумий қиймати 103,2 млн. АҚШ долларидан ортиқ товар ва хизматларини Россия, Қозоғистон, Хитой, Корея, Озарбайжон каби давлатларга экспорт қилишга эришилди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Жамғарма кўмагида хорижга маҳсулот экспорт қилган корхоналар орасида Бекобод шаҳридаги "Зулфиябону чевар" хусусий корхонаси ҳам бор. Энг замонавий тикув-би-чув машиналари билан таъминланган мазкур корхонада болалар учун мавсумий кийимлар тайёрланади.

– Хориж бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашнинг ўзи бўлмайди, – дейди корхона раҳбари Ўғилой Мирзамуродова. – Бунинг учун маҳсулот сифатини ошириб, дизайнни истеъмолчилар талабига мослаб бориш талаб этилади. Шунга амал қилиб, бир неча йилдан бери хорижга маҳсулот сотиб келаямиз. Жорий йилда ҳам 42 минг долларлик маҳсулот экспорт қилдик. Ниятимиз, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини янада ошириш, корхонамиз фаолиятини кенгайтириш ҳисобида қўшимча иш ўринлари очиш.

Наргис ҲАСИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори мамлакатимизда амалга оширилаётган бағрикенглик ва инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин ифодаси бўлди. Мазкур ҳужжат нафақат демократик жамиятнинг устувор тамойилларини, айни чоғда кўп асрлик миллий қадриятларимиз ҳамда бағрикенглик, мурувват ва инсонпарварлик каби халқимизга хос олий фазилатларни мужассамлаштиргани билан аҳамиятлидир.

Қарор ва ижро

Хусусан, унда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар ҳамда чет давлат фуқароларини жазодан озод қилиш назарда тутилган. Халқимизнинг кеңиричилиги, бағрикенглик фазилатларига асосланган

қарорда мамлакатимизда инсон ва унинг ҳуқуқларига олий қадрият сифатида қаралиши тўлиқ ўз ифодасини топган. Эзгу мақсадга йўналтирилган бу қарор ижросини таъминлашда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этаётгани унинг адолатли,

ошқора амалга оширилишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, амнистия актини қўллаш жараёнида очик-ошқоралик, холислик ва бетарафликни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда, вилоятимизда ҳам мутасадди идоралар ҳамкорлигида кенг

кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қарор очик ва ошқора қўлланиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида сенаторлар, Халқ депутатлари Тошкент вилояти, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, Омбудсманнинг минтақавий вакиллари иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, улар жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан суҳбатлашмоқда. Уларнинг шахсий йиғмажилдлари, дастлабки тергов органлари юриту-

видаги терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ва жиноят ишлари билан танишиб, озод қилинган шахслар билан олиб бориладиган ишларни мониторинг қилмоқда.

Жазодан озод этилган шахсларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ҳам муҳим ҳисобланади. Вилоятимизда бу борада ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳозирга қадар амнистия туфайли озодликка чиққан шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни тиббий кўриқдан

ўтказиш, ишга жойлаштириш, ёлғиз, ёрдамга муҳтожларни Мурувват ва Саховат уйларида жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналар, хомийлик ва васийлик органларига топшириш, зарур ҳолларда таълим муассасаларига юбориш чоралари кўриллаётти.

Муҳтасар айтганда, белгиланган тадбирларнинг изчил ижро этилиши инсонпарварлик актининг ошқоралигини, унинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаёттир.

Дилшод ИСМОИЛОВ,
вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД ХАТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, ҳурматли йиғилиш иштирокчилари! Қадрли сайловчилар!

Бугунги учрашувимиздан асосий мақсад, шу йилнинг 4 декабрь куни мамлакатимизда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда Халқ демократик партиясининг иштироки ва Сайлов олди дастурининг мазмун-моҳиятини сизларга етказишдан иборатдир.

Барчамиз биламизки, сайлов – халқнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришнинг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, мазкур сиёсий жараёнда халқимиз Ўзбекистон танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлига содиқлигини яна бир марта намойён этади.

Чунки, мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун жаҳонда умумэтироф этилган меъёрларга мувофиқ сайлов тизими шакллантирилди.

Шунингдек, замонавий ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодий вужудга келтириш, барча ислохотлар инсон ва унинг манфаатлари учун, деган шиордан келиб чиққан ҳолда, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш борасидаги оламшумул ишларни бугун таъкидлаб ўтишимиз ўринлидир.

Буларнинг барчаси, аввало, мамлакат мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, ижтимоий барқарорликни сақлаш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади – тараққий толган давлатлар қаторига кириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга қаратилган эзгу мақсадларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

Энг муҳими, халқимиз ва келажак авлодимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш борасидаги бундай кенг кўламли ислохотлар юртимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Тошкент вилоятида ҳам тўла маънода ўз ифодасини топти.

Бунинг натижасида, бугунги кунда Тошкент вилояти мамлакатимизнинг пойтахт вилояти сифатида жуда катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга эга бўлди.

Айни пайтда Тошкент вилояти республика саноат маҳсулотининг қарийб 20 фоизини, электр-энергиясининг 45 фоизини, рангли металлнинг асосий қисmini ишлаб чиқараётган бўлса, пўлат ва металл прокат ишлаб чиқаришда унинг улуши деярли 100 фоизни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда Бекободдаги Ўзбекистон металлургия, Олмаликдаги кон-металлургия, Чирчиқдаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металллар комбинатлари, Янги Ангрен, Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа йирик саноат корхоналари нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасида кўзга кўринган ишлаб чиқариш мажмуалари ҳисобланади.

Ангрен – Поп йўналишида довол оша янги темирйўл линиясининг ишга туширилганлиги эса бутун вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Тошкент вилояти географик ўрни, ер ости ва ер усти бойликлари, қишлоқ хўжалиги ривож учун ўта қулай шароитлари билан ҳам иқтисодийнинг равнақ топишига имкон беради. Тоғларида маъдан ва хом ашёнинг катта захиралари мавжуд.

Шу ўринда, ушбу заминнинг бой

тарихи ва маданияти ҳамда бу ерда яшайдиган одамларнинг уларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, бугунги кунда бутунлай янгича қиёфа касб этаётган Зангиота, Булоқ-чинор, Ҳазрати Али бува, Умар Боғистоний ва бошқа зиёратгоҳлар аҳоли учун муқаддас қадамжолардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, барчамизга аён бўлган бир ҳақиқат борки, у қайси ҳудуд бўлмасин, юртимизнинг энг катта бойлиги бу – аввало меҳнат-каш халқимиздир.

Тошкент вилоятининг кўп миллатли халқи ҳақида гапирганда, бу замин аҳолиси фидойи меҳнати, интеллектуал салоҳияти, билим ва тажрибаси билан ўз юртини обод этиб келаётган, бағрикенг, азму-шижоатли, ўз мақсади сари интилувчан, бир сўз билан айтганда она Ватанига меҳр ва садоқат билан яшаётган инсонлар эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йилларида барча қулайликларга эга тураржойлар, кўркам маҳалла гузарлари, замонавий таълим масканлари, мустаҳкам спорт иншоотлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари бунёд этилган ана шу инсонларнинг ҳаёти обод бўлишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, буларнинг барчаси, вилоят аҳолисининг нафақат турмуш фаровонлиги юксалишига, балки ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шарти бўлган, фуқароларнинг онгу тафаккури, сиёсий маданиятининг ошишига замин яратмоқда.

Уларнинг давлат бошқарувида иштирок этишга интилиши кучайишига олиб келмоқда.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш янги босқичга кўтарилаётган ўта масъулиятли даврга бўлиб ўтмоқда.

Партиямиз Ўзбекистон танлаган йўлни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзининг стратегик мақсадларини амалга оширишни кўзлаб, ушбу сайловда фаол иштирок этишни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Жумладан, мазкур жараёнда илгари сураётган Сайловолди дастури-нинг ҳам партиянинг гоёлари ва дастурий мақсадларидан келиб чиқади. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракциясининг Парламентдаги кўпчиликлари – демократик кучлар Блокига нисбатан ўзини муҳолифат деб эълон қилгани, бунинг натижасида муҳолиф фракция сифатида илгари сурган қатор гоёларига асосланади. Бу:

- мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосида ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш;

- энг кам истеъмол харажатлари (истеъмол саватчаси) стандартларини белгилашнинг асосланган ва замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш;

- аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифларининг давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш орқали коммунал хизматлар нархларини мақбуллаштириш;

- аҳоли бандлигини таъминлашнинг мутлақо янги ва замонавий усулларини жорий қилиш, иш ўринларини ташкил этиш дастурининг сўзсиз бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириш;

- муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг асосий мезони уларни ҳаётга татбиқ қилиш орқали

яратиладиган барқарор иш ўринлари сони билан ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш масалаларидир.

Кўриниб турибдики, бизнинг энг асосий гоёмиз – аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Бу мақсадни самарали амалга ошириш учун қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш даражасини яхшилашнинг энг муҳим шарти бу – уларнинг бандлигини таъминлашдир. Бунинг учун, аввало, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишини, фуқароларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур, деб биламиз.

Мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратишга энг муҳим масала сифатида қараймиз.

Ижтимоий ҳимоя борасида пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни қамраб олувчи кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ижтимоий ва коммунал хизматларнинг сифатлигини ва аҳолининг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари учун мақбуллигини таъминлаш тарафдоримиз.

Биз, бундай кенг кўламли, ижтимоий йўналтирилган ва-зифаларни самарали амалга ошириш ва уларга эришиш мақсадида бир қатор устувор йўналишларни белгилаб олганмиз. Рухсатларингиз билан, эътиборингизни уларнинг мазмун-моҳиятига қаратсам:

Биринчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини замонавий усулларни жорий қилиш орқали доимий такомиллаштириб бориш зарур. Бунинг учун, энг аввало, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш давомида барқарор иш ўринларини яратиш кўрсаткичлари мазкур дастурларнинг муҳим мезонларидан бири бўлишига эришиш керак.

Айниқса, ишчи кучи четга чиқиб кетишининг олдини олиш, бунинг учун ҳар йили қабул қилинадиган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Давлат дастури ихросида янгича ёндашуларга ўтиш зарур. Бунда меҳнат бозоридаги талаб-таклифни тўлиқ ўра-ниш, ҳисобга олиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тузишда жорий ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини тўғри ва аниқ белгилаш муҳим масалалар.

Шунингдек, муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақлиф этаётган, биринчи навбатда заминимиздаги бой минерал хом ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни таъминловчи юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саяё-харажатларни фаоллаштириш, ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб этиш лозим.

Касб-хўнар коллежлари битирув-

чиларининг ўзини ўзи мустақил иш билан таъминлаш ҳамда яқка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш мақсадида имтиёзли микрокредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан, фаолиятини тўлиқ йўлга қўйгунга қадар солиқлардан озод қилиш мuddатини узайтириш масаласини тақлиф этамиз.

Ёшлар бандлигини таъминлаш борасида истиқболли ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқаришда уларнинг ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурлари билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, корхона ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудудлардаги касб-хўнар коллежларига бириктирилиши ҳамда мунтазам ҳаракатдаги "қол-леж-корхона" алоқаларини йўлга қўйиш, муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар билан боғлиқ равишда замонавий касбга эга бўлган кадрлар тайёрлаш масаласи ҳал қилинишига эришиш керак.

Шу билан бирга, тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юрлари талабаларининг таълим шартномалари тўловларини тўлаётган корхоналар ва ташкилотларни рағбатлантириш амалиётини ҳамда олий ва ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар тайёрлаш йўналишларини белгилашда корхона ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, айни пайтда муносиб иш-ҳақи ва меҳнат шароитига эга бўлган, қўшимча барқарор иш ўринлари яратишда тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар яратиш ва уларни рағбатлантириш мақсадида солиққа тортиш тизимини ҳам такомиллаштириш талаб этилади.

Сайловолди дастурида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бу масалани самарали ҳал этишнинг энг мақбул йўли – кичик бизнес, уй меҳнати, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, деб ҳисоблаймиз. Бу борада меҳнат қончилигида аёлларга берилган ҳуқуқ ва қўшимча имтиёزلардан кенг фойдаланишларини таъминлаш ҳам диққат марказимиздир.

Бундан ташқари, бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий сўғуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга кири-тиш, турли имтиёзлар бериш орқали иш берувчи ва ходим ўрта-сидаги норасмий меҳнат муносабатларини қонунчилигимизда мустаҳкамлаш, меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун тадбиркорларнинг масъулиятини ва жавобгарлигини ошириш ҳамда давлат томонидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарур.

Дастуриимизда ногиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналарни ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, жумладан, ушбу мақсадда давлатнинг марказлашган сармоялари ҳисобидан бундай корхоналар тармоғини ривожлантириш, йирик корхоналарга касаначилик иш жойларини ташкил этиш бўйича мажбурий квоталар белгилаш орқали жиёмоний имкониятлари чекланган шахслар (ногиронлар)ни касаначилик фаолиятига жалб қилишни кенгайтириш масалалари ҳам ўрин олган.

Иккинчидан, иқтисодий сиёсатдаги асосий устувор вазифаларимиз, бу – давлатимизнинг молиявий-иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсат билан уйғунлаштириш орқали аҳолининг, хусусан, унинг эҳтиёж-



манд қатламларининг турмуш даражасини янада яхшилашга йўналтиришдан иборатдир.

Бу борада партиямиз аҳолининг ҳарид-қобилиятини ошириш ички талабнинг ортишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Бу эса иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва иқтисодиётнинг реал сектори ўсиш суръатларини изчил ошириб боришнинг мустаҳкам асосидир.

Биз иқтисодий ислохотларни амалга оширишда бюджет маблағлари, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағларнинг мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, давлатнинг ўсиб бораётган иқтисодий имкониятларидан аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатламнинг турмуш даражасини яхшилашда фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, таннархини пасайтириш ҳамда уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтирувчи ва аҳолининг ҳарид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантириш масалаларига эътиборни кучайтириш лозим.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, турли маҳсулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлаштиришга имкон берадиган очиқ ва ошқора электрон савдолар йўналишини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ниятда муҳимдир.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, фойз ставкаларини минимал даражада белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳам иқтисодий ислохотлар-

нинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқариш комплексларининг ривожланиши учун бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун маҳаллий хом ашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарининг ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш ва имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш мақсадида қишлоқ жойларида ушбу йўналишдаги оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни рағбатлантиришни кучайтириш масалаларига эътибор қаратиш зарур бўлади.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобига ички бозорни тўлдирish, нарх-наво ошишининг олдини олишга қаратилган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини кучайтириш ҳам ниятда долзарб масалалардир.

Бундан ташқари, мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг йириклашшини рағбатлантирувчи солиқ сиёсатини юритиш, корхоналарнинг таснифидида "ўрта корхона" тушунчасини киритиш лозим. Чунки, қонунчилигимизда белгиланган кичик ва йирик корхоналар томонидан ундириладиган солиқлар тизимининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши ва давлат бюджетини шакллантиришдаги иштироки катта фарк қилади. Жумладан, йирик корхоналар томонидан ялли ички маҳсулотнинг 44 фоизи ишлаб чиқилиб, улардан 89,8 фоиз солиқ ва тўловлар ундирилиб бўлса, кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 56,1 фоизни ташкил этиб, солиқ ва тўловлар 10,2 фоизни ташкил этмоқда. Кичик корхоналар томонидан ишчиларга тўланадиган иш ҳақлари ҳам йирик корхоналар тўлаётганидан 2 бараваргача пастдир. Ҳозирги солиқлар ва имтиёзлар тизими кичик корхоналарнинг йириклашишга ҳалақит қилмоқда.

Давоми 3-бетда. ➡

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД ХАТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Бошланғич 2-бетда.

Мазкур масалаларни тартибга солишда даставвал соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштириш, хусусан, кичик корхоналар йириклашиш жараёнида катта солиқ юкмасига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида "ўрта корхона" тушунчасини киритиш, яъни йирик, ўрта ва кичик корхоналар мезонларини белгилаш; кичик корхоналарнинг йириклашиши ва янада ривожланишига хизмат қиладиган солиқ ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Мазкур тақлифлар шак-шубҳасиз, кичик корхоналар йириклашишига, янги иш ўринлари яратишга, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсишига олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишнинг муҳим омилли бўлган қурилиш соҳасини модернизация қилишга етарли даражада эътибор берилмапти. Қурилиш ташкилотларининг кенг ривожланиши, бу соҳанинг замон талабига жавоб берадиган мутахассислар, техник воситалар билан таъминланиши талаб даражасида эмас.

Хорижий давлатларнинг қурилиш ташкилотлари бугунги кунда пудрат хизматлари экспорти билан жадал шугулланиб, ўз давлатига валюта тушумини ошираётган бир пайтда, миллий қурилиш ташкилотлари бундай имкониятга эга эмас ва бундай талабларга жавоб ҳам бериб қолмайди.

Шунинг учун биз ўз Сайловолди дастурида ушбу масалаларга алоҳида тўхталиб, қатор тақлифларни илгари сурдик. Бизнингча, қурилиш ташкилотларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, янги технологияларни жорий қилиш, малакали мутахассисларни ёллашга имконият яратувчи шароитлар яратиш мақсадида солиқ юкнини камайтириш; солиқ тузум давридан буён фойдаланиб келинаётган, эскирган қурилиш стандартлари, норма ва қоидалари ўрнига бутун дунёда амал қилиб келинаётган еврокодлар тизимига ўтиш лозим.

Қурилиш соҳаси ривожланиши истиқболларига мувофиқ етарли даражада малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласига эътибор қаратиш, уларни хорижий давлатларга малака оширишга юбориш бу соҳадаги дастлабки вазибалар-

дан бўлмоғи лозим. Мазкур ислохотлар, авваломбор, янги инновацион технологиялар ва материалларни қўллаш, қурилиш хизмати бозорларида мамлакатимиз мутахассисларининг рақобатбардошлигини таъминлаш билан бирга, ўзбек компанияларининг хорижий қурилиш ва хизмат бозорларига чиқишларида шароит яратади.

Учинчидан, кам таъминланган оилалар, кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини янада ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бунда, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш, уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнат ва тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нафақалар ва моддий ёрдамни асосан, кам таъминланган оилалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалар ва болаларга йўналтириш ниҳоятда долзарбдир.

Шунингдек, маҳалланинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги ролини янада ошириш, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ва хизматлар нархини белгилаш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали нархлар ва тарифларнинг ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигига эришиш зарур.

Хусусан, тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматлар кўрсатишнинг камҳарж автоном (локал) шакллари ривожлантириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштириш, табиий монополия субъектлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар (газ, электр ва иссиқлик таъминоти, канализация, маиший чикиндилар ва ҳ.к.) нархлари ва тарифларини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш шулар жумласидан.

Шунингдек, кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, ўз бизнесини ташкил этиш учун мақсадли фойдаланиш шарти билан, тегишли даврда тўланадиган маблағлар суммасини бир марталик тўлов шаклига ўтказиш механизмининг жорий этиш, уй-жойларнинг ижтимоий мақбулликни таъминлаш мақсадида, давлат мул-

кини хусусийлаштиришдан олинadиган маблағларнинг бир қисмини тураржой фондини шакллантиришга йўналтириш механизмни такомиллаштириш зарур.

Бундан ташқари, бу борада ўз бизнесини ташкил этишга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва фойсиз ссудалар ажратиш амалиётини янада ривожлантириш ҳам яхши самара беради.

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш, мазкур устуворликка амал қилган ҳолда, етакчи ижтимоий соҳаларнинг тижоратлашувини чеклаш, жамиятнинг барча аъзоларининг ишончли ижтимоий кафолатлари таъминланиши масалаларида бизнес масъулиятини ошириш лозим.

Яна бир муҳим вазифа, бугунги кунда партияимиз электратининг асосий қатламини ташкил этувчи жисмоний имконияти чекланган, турли сабабларга кўра ногирон бўлиб қолган фуқароларимизнинг ижтимоий ҳаётга киришишлари учун барча шароитларни яратишдир.

Бугунги кунда ижтимоий объектларда, барча иншоотларда ногиронлар учун махсус кириш йўлаги – пандуслар бўлиши даркор. Янги қуриладиган объектларни лойиҳалаш ишлари, шунингдек, қуриб битказилган объектларни фойдаланишга топшириш жараёнида Ногиронлар уюшмаси иштироки қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, мазкур нормалар амалиётда ишламапти. Аксарият биноларда ногиронлар учун пандуслар умуман йўқ, мавжуд бўлганларининг аксариятидан фойдаланишнинг имкони йўқ. Пиёдалар йўлакчалари ҳам ногиронлар учун мосланмаган.

Мазкур масалаларни ҳал этиш мақсадида қатор чораларни амалга ошириш, хусусан, мавжуд барча бино ва иншоотларни, айниқса, давлат идораларини ногиронлар кира олишлари нуқтани назаридан ҳатловдан ўтказиш ва йўлакчаларни ногиронларга мослаш бўйича махсус давлат дастурини қабул қилиш лозим.

Мамлакатимизда автотранспорт воситаларининг кўпайиб бораётганлиги натижасида йўллар, катта шаҳарларнинг кўчалари тирбанд бўлиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул йўли пиёдалар йўлакларини капитал таъмирлаш;

экологик тоза, соғлом турмуш тарзига замин яратувчи велойўлакларни қуриш ва тегишли инфратузилмани яратишдан иборат, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, аҳолига юқори сифатли таълим олиш ва мақбул табиий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масаласи ҳам доимо диққат марказимиздадир.

Шундан келиб чиққан ҳолда таълим соҳасида, аввало, жамиятнинг барча қатламларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятларини яратиш мақсадида, минтақалардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини олдиндан барпо этиш амалиётини янада ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, коллежлар ва академик лицейларни ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш, корхона ва ташкилотларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, техник ва технологик мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртларига мақсадли қабул қилиш масаласини рағбатлантириш муҳим масаладир.

Ногирон болаларни зарур махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш ва соҳа ўқитувчиларига имтиёзлар бериш, жисмоний имкониятлари чекланган (ногирон) талабаларнинг олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш, педагогик маълумотга эга, лекин бола тарбияси билан машғул бўлгани боис вақтинча ишламайдиган аёлларнинг оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатидаги уй меҳнатини ташкил этишнинг қонуний асосларини яратиш бугунги куннинг талабидир.

Соғлиқни сақлаш соҳасида эса аҳоли, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи табиий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу йўналишда, шунингдек, имтиёзли ва бепул асосда малакали табиий-санитария ёрдами кўрсатилиши, фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари

фаолияти ҳамда дори-дармон воситалари нархлари устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, дори воситалари рекламасини чеклаш масалаларини тақлиф этмоқдамиз.

Бешинчидан, биз учун демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадда, аввало, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошқо-ра ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш амалиётини изчил ривожлантириш зарур.

Шунингдек, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизми оммабоплигини кенгайтириш ва мазкур масалаларда суд назоратини кучайтириш ҳисобида суд қарорлари ижроси сифатини ошириш, судларда ишларни қўриб чиқиш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, фуқароларнинг судга муносабат қилиши ва суд ҳужжатларини олишнинг электрон тизимини жорий қилиш лозим.

Демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқишда қонун нормаларининг бевосита таъсир этишига, яъни ҳаволаки нормаларсиз қабул қилинишига эришиш муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда катта қизиқишга сабаб бўладиган масалалар бўйича қарорларни қабул қилишдан аввал ушбу масалалар юзасидан жамоатчилик маслаҳатлашувларини ўтказишнинг мажбурийлигини белгилаш, жойлардаги доимий электротар манфатларига алоқадор бўлган долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазибаларнинг ҳал этилишига таъсир кўрсатиш масалаларида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш тақлиф этилади.

Аҳолига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида Ягона интерфаол давлат хизмат-

лари порталидан эркин фойдаланишни тақдим этувчи пунктлар тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш ҳам бугунги замон талабидир.

Олтинчидан, ташқи сиёсат масалаларида қўшни мамлакатларга нисбатан очик ва прагматик сиёсат юритиш, улар билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ва фойдали ҳамкорлиқни ривожлантириш, минтақадаги экологик вази-ятни яхшилаш, Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташаббусларни илгари суриш бора-сидаги саяё-ҳаракатларни изчил давом эттириш ниҳоятда муҳим.

Ташқи сиёсий фаолиятнинг яна бир муҳим вазифаси Ўзбекистоннинг минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишдаги фаол ва ташаббускор иштирокидир. Ушбу мақсадларда Марказий Осиё мамлакатлари, дунёнинг бошқа давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа таҳдидларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Қўриб турганингиздек, Дастурда мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, олиб борилаётган барча йўналишдаги ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган энг муҳим масалалар қамраб олинган.

Уларнинг рўёбга чиқарилиши, албатта, юртимиз ободлиги ва ҳалқимиз фаровонлигига хизмат қиладди. Шу билан бирга, булар Тошкент вилоятида мазкур йўналишлардаги қатор муаммоларнинг ҳал этилишига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Сўзимни якунлар эканман, олдимизда турган шундай масъулиятли вазибаларни амалга оширишда сизларга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат тилайман.

Шу билан бирга, сайловда, барчангизнинг фаол иштирок этишингизга ишонамиз!

Эътиборингиз учун раҳмат!



МАҚСАДИМИЗ – ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ!



ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ЎЗБЕКИСТОН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистонда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотчилик ҳам изчил ривожланмоқда, — дейди Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Евгений Громико. — Мамлакатингизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш жараёнининг барча босқичи замонавий талаблар асосида, хавфсиз технологиялар воситасида амалга оширилади. Шу боис мева-сабзавот маҳсулотлари сотиб олиш ҳажмини янада ошириш, узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни изчил ривожлантириш ва мустақамлашдан манфаатдоримиз. Икки давлат ўртасида савдо ҳажми йил сайин ортмоқда.

Мазкур ярмарка мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бермоқда. Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш, боғдорчиликни ривожлантиришда дастурил амал бўлмоқда. Унга қўра, ҳалқимиз дастурхони тўқинчили-

гини янада тўлароқ таъминлаш мақсадига оид ишларни кенгайтириш режалаштирилмоқда. 170 минг 500 гектар суғориладиган ерларга дон ва дуккакли дон, сабзавот, картошка,

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида органик-экологик тоза маҳсулот етиштириш ва унга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институ-

экологик тоза, ҳозирги дунё ҳамжамияти томонидан органик деб номланаётган маҳсулотлар ташкил қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, экологик тоза маҳсулотлар истеъмол қилинганда одамлар ўртача умрининг ортиши, аҳоли орасида ҳар хил касалликлар тарқалишининг олди олиниши, бола-лар ўлимининг камайиши ва бошқа муҳим ижобий кўрсаткичларга эришилади.

Халқаро форум озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг барча замонавий йўналишларини ўзида муҳассам этган. Унда ҳў ва қуруқ мева-лар, сабзавотлар, қўқатлар, полиз экин-лари, дуккакли ўсим-ликлар, ёнғоқлар, зирворлар, ичимлик-

лар, қадоклар ва қадоклаш технологиялари, транспорт ва логистикага оид бўлимлар ишлаб турибди.

Ярмарка доирасида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ва уларнинг ҳамкорлари иштирокида давра суҳбатлари, музокара-лар ташкил этилиши, ярмарка қатнашчиларининг интенсив боғларга, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга, совутиш комплексларига ташриф буюришлари ҳам режалаштирилган.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқов сўзга чиқди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.



мойли ва озуқа экин-лари, бошқа ўсимлик-лар экилади, боғ ва узумзорлар барпо этилади.

ти директори Рафиқ Ҳакимов. — Ўзбекистонда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг аксариятини

Ўзбекистон XXV миллий чемпионати олий табақасининг йиғирма саккизинчи тур учрашувлари якунланди. Ушбу тур вилоятимиз вакиллари учун ўзига хос тарзда кечди. Жумладан, Бекободнинг "Металлург" жамоаси ўз уйида ўтган учрашувда "Навбахор" (Наманган) жамоасидан 5:1 ҳисобида устун келди.

Футбол

«ОЛМАЛИҚ»НИНГ ШАШТИ НЕГА СУСТ?

Дастлаб ўйин тенг курашлар билан бошланди. Меҳмон жамоа сафида ҳаракат қилган тезкор ҳужумчи Абдумалик Абдуллаев 10-дақиқада ташкил этилган қарши ҳужумда бекободликларнинг икки ҳимоячисини ортда қолдириб, дарвозабон билан яккама-якка чиқди ва ҳисобни очди. Ўйиннинг бундай тус олишини кутмаган муҳлислар севимли жамоасини тинмай қўлаб-қувватлашди ва пировардида, ёқтирган ўйинчилари ижросидаги голлар шоусидан баҳраманд бўлишди.

Тажрибали мураббий Рустам Мирсодиқов бошчилигида ўйнаётган Муроджон Тошматов (20-да-

Наманганда ўтган биринчи давра учрашувида 0:1 ҳисобида зафар қучган эди. Мазкур натижа жамоанинг салоҳияти ортиб бораётганидан, кўп йиллардан буюр давом этиб келаётган ёшларга ишонч билдириш сие-сати ўзини оқлатганидан далолатдир.

Бекободнинг "Металлург-вумен" аёллар жамоаси ҳам айни пайтда мамлакат чемпионатида совриндорлар қаторига киришга дадил ҳаракат қилмоқда. Бекободлик қизлар, гарчи бу турда мусобақа пешқадами Каршининг "Севинч" жамоасидан енгилган бўлишса-да, айни пайтда турнир жадвалида 4-ўринда бо-

ришмоқда. Қолган турларда юқори савияда ўйин кўрсата олишса, чемпионати қучли учликда якунлашлари мумкин.

Олий лига дебютанти — пойтахтнинг "Обод" жамоаси меҳмони бўлган "Олмалиқ" эса яна муҳлислару мутахассисларни ажаблантирди. 2:0 ҳисобида "Обод"нинг галабаси билан тугаган мазкур баҳс бир вақтлар қучли клублар "қушандаси" сифатида донг таратган олмалиқликлар эндиликда ўртамиёна жамоага айланиб бораётганидан дарак бермоқда. Биринчи даврдан сўнг, 21 очко тўплаб, саккизинчи ўринни банд

Футбол бўйича Ўзбекистон олий лигаси, 28-турдан кейинги вазият:

1	Локомотив	28	68
2	Бунёдкор	28	62
3	Насаф	28	57
4	Бухоро	28	55
5	Пахтакор	28	48
6	Металлург	28	46
7	Қизилқум	28	44
8	Шўртан	28	38
9	Машъал	28	35
10	Сўғдиёна	28	34
11	Нефтчи	28	31
12	Олмалиқ	28	26
13	Қўқон-1912	28	23
14	Обод	28	22
15	Навбахор	28	22
16	Андижон	28	19

этан жамоа айни пайтда жадвалнинг 12-погонасидан жой олган. Зудлик билан вазият ўнганмаса, жамоанинг қуйи лигага равано бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Яқин ўтмишнинг машхур ҳужумчиси Игорь Шквинин бошчилигидаги жамоа ўйинларини қузатсангиз, уларда иштиёқ, галабага ташналик етишмаётганини кўрасиз.

Шарҳловчи:
С. ЎРМОНОВ.



мумкин. Бироқ, шу ўринда ҳақли савол туғилади: "Интернетдан кўчириб олинган маърузаларнинг мазмун-моҳияти, мақсади нималардан иборат?"

Умумлаштириб айтганда, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик гоёлари билан йўғрилган, аҳоли ўртасида ваҳима уйғотишга қаратилган маълумот ва маърузаларни ҳар қандай шаклда изчил тарқатиш ва энг ёмон, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуний давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартириш ушбу оқим вакиллариининг гаразли ниятидир.

Азиз Абдуқодиров, Ғулом Жалилов сингари сиёсий илтимой соҳалардан мутлақо йироқ, исм-шарифини ҳам тўғри ёзолмайдиган чаласавод кимсаларнинг нафақат давлат бошқаруви, балки бирор оддий амал курсисига ўтиришларини фараз қилишнинг ўзи кишини хавотирга солади. Шу боис, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари доимо огоҳ ва ҳушёрлар. Нияти бузғун сохта диндорларнинг юзурганлари эса суднинг қора курсисига. Ундан кейинги ҳаётлари тиканил сим ортда кечади. А. Абдуқодиров ва Ғ. Жалиловга ҳам шундай қисмат насиб этди.

Начора, қилмиш-қидирмиш.

А. БЕКМУРОВО.

Моҳият

ОҚИБАТ

Қуларнинг бирида бойчечакдан сўрашибди: "Сенинг мардлигингга тасаннолар айтиш лозим, ҳеч бир ғиёҳ қишнинг қарини енгиб, сендан эрта баҳор ифориин тарата олмайд. Шундай экан, сен қаҳрамонсан. Қаҳрамонлар эса оламга тик боқишлари лозим. Лекин, нега сенинг доимо бошинг эгик. Кўзларинг нимадандир хижолдай ер чиздади?"

Бойчечак жилмайиб, шундай жавоб берди: "Менинг илдишим она заминга туташ. Мени жасур қилиб тарбиялагани учун ҳам унга таъзим-даман".

КАМТАРЛИК

Баҳорда ғилосимизнинг шигил гулини совуқ уриб кетди-ю, мева бермади. Лекин, у барибир мағрур, тик эди.

Ҳадемай, куз келди. Ғилоснинг ёнгинасида ўсган хурмо қучомаи ҳосил берди-ки, шохлари ерга теккудай эгилди.

Уйлаб қолдим, демек, она ерга камтарона таъзим қилаётган дарахтнинг аслида мевалари мўл, серхосил бўларкан. Мактанчок, гердайган дарахтни эса, аксинча, совуқ ураркан.

Дилнавоз НАЖИМОВА,
Чирчиқ академик
лицейи ўқувчиси.

Жиноятга жазо муқаррар

Тошкент вилояти судининг шу йил август ойидаги очиқ мажлисида қўрилган жиноий иш ва суд ҳайъати эълон қилган ҳукм билан танишиб, деярли йўқ бўлиб кетган қуш — читтакнинг қилигини эсладик. Сиз ҳам биласиз. Ўзи жимитдеккина бу қуш туналари оёғини юқорига қўтариб, яъни чалқанча ётаркан. Мақсади — мабодо осмон кулаб, ерга тушадиган бўлса, оёқлари билан ушлаб қолармиш.

ҚОРОВУЛНИНГ ТУШИ ЎНГИДАН КЕЛМАДИ

Суднинг қора курсисидан ўтирган қиёралик икки "таквдор" — Азиз Абдуқодиров билан Ғулом Жалилов ҳам хомхаёлликда читтакдан ўтиб тушдилар. "Таквдор" сўзини алоҳида таъкидлашнинг боиси шуки, таквдорлик аслида иллат эмас, балки эътиқод эркинлиги, ҳолос. Лекин, ўзларича "Ислом динининг ҳимоячиси"га айланган бу чала мулалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуний давлат тузумини Конституцияга хилоф ҳолда ўзгартириш, ҳокимиятнинг босиб олиш ва халифалик тузумини жорий этиш зарурлиги ҳақида жар солувчи "дин пешволари"га айланибдилар. Шунчалик ҳам хаёлпарастлик бўладими?!

Устоз-шогирд мақомида "иш кўрган" бу икки "даҳо"-нинг бири, яъни устоз Азиз Абдуқодировнинг маълумоти бор-йўғи ўрта. Касби эса... қоровул. Шогирд Ғулом Жалиловнинг саводи ўрта-

махсус. Ишсиз, бўйдоқ, Қоронғуда топишган қалби басир бу кимсалар хонадон эгаларидан тушадиган таклифларга "лаббай" деб, устачилик қилишади. Уларнинг айнан шу ноқонуний, яъни дайди тадбиркорлиги қишлоқ-ма-қишлоқ устачилик қилиб юриб, иродаси суст, эътиқоднинг тайини йўқ қишлар, айниқса, ғўр ёшларни йўлдан уриб, онгини заҳарлаб, ўзларининг пуч гоёларига ишон-ринг, ғурухларига қўшиб олиш ва сафларини шу тариқа кенгайтириб боришлари учун жуда қўл келадди.

А. Абдуқодиров қоровулчилик ва устачиликдан бўш вақтларида бекорчиликдан сан-ғиб, жоме масжидларга доимий қатнашни қанда қилмади. Ислом динига оид турли мавзулардаги аудио дисклардаги даъваткор маърузаларни қўл телефонида кўчириб олиб, эшитиб юрди. Шу кезларда Ғулом Жалилов унга шогирд тушди. Устачилик

баҳона ўзлари ишлаётган хонадон эгаларини ҳам дин-га даъват қилиб, маърузаон-лиқни бошлаб юбордилар. Масалан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Янгиобод даҳасида ишлаётганларида хонадон соҳиб Алишерни ҳам "Ўзбекистон исломий ҳаракати" "пешволари"нинг маърузалари билан заҳарла-дилар.

Шу тариқа Азиз ва Ғуломнинг макрига учган-лар сафи кенгайиб борди. Хусусан, Азизнинг синфдо-ши Тўлқин Йўлдошев, Дўр-мон қишлоғида Жасур ис-мили йигит уяли телефон ор-қали "диний сабоқ" ола-диган бўлишди. Устоз-шо-гирд Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйлardan бири-да ишлаётганларида шу хо-надондаги сантехника уску-наларини созлаётган бош-қа нотаниш устани ҳам йўлдан уришди.

Хуллас, алданганлар рўйхатини давом эттириш

Реклама ва эълонлар

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиде ўтказила-диган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйида-ги автотранспорт воситалари ва экскава-торлар қўйилмоқда:

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар СИБ то-монидан Ангрен шаҳридаги "Насаф" жари-ма майдони ҳамда "Нурчи" маҳалласида жой-лашган, қўйиб саклаш омборида сакланган-ган, 253/10-10871/16-сонли ижро варақаси-га асосан хатланган: 1. 1997 й. и.ч., "Дамас STD", д.р. 10 810 МАА. Бошланғич баҳоси - 7 582 128 сўм. 2. Ишлаб чиқарилган йилли номаълум, "Doosan" русумли экскаватор, д.р. 39-18 НЕ. Бошланғич баҳоси - 344 370 082 сўм. 3. Ишлаб чиқарилган йилли номаълум, "Doosan" русумли экскаватор, д.р. 80-36 НЕ. Бошланғич баҳоси - 338 365 847 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси ва экскаваторлар билан тегишли суд ижро-чилари бўлими вакиллари иштирокида бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аук-цион савдоларида иштирок этиш учун та-

лабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. 2016 йил 14 декабрь кунидеги аукцион савдоси учун аризаларни қабул қилишнинг охириги му-ддати 12 декабрь соат 16.00. Аукцион сав-досида қатнашши истагида бўлган талаб-горлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсат-ган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек ту-мани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақами-га тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион қолиби сотиб олган автотранспорт восита-си қийматини 5 банк куни мобайнида тўла-лигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефонлар: (371) 233-61-44, (97) 726-18-82. Гувоҳнома 004593.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиде ўтказила-диган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошлоқ тумани судининг 08.08.2016 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Уйшўн ҚФЙ манзилида жойлашган, бошланғич баҳоси - 139 788 000 сўм бўлган, умумий 0,80 Га майдонда жойлашган гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган бино ва иншоотлар.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охири-ги муддати: 2016 йил 14 декабрь кунидеги аукцион савдоси учун 12 декабрь соат 16.00 гача. Аукцион савдосида қатнашши истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдо-ридан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар фили-алидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион қоли-би сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.rgbusiness.uz Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258. Лицензия: RR-0052.

"K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиде ўтказила-диган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига тақдоран Бўстонлик тумани СИБ томони-дан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2016 йил 25 июлдаги 11-1635/8479-сонли ижро вара-қасига асосан хатланган қуйи-даги кўчмас мулклар қўйилмоқ-да:

I. Тошкент вилояти, Бўстон-лик тумани, Чимбойлик ҚФЙ, Қизил сув қишлоғида жойлаш-ган, "музлаткич омборхона" би-носи, умумий ер майдони 0,53 Га бўлган, қурилиш остидаги участка майдони 1583,20 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 1409,15 кв.м. Бошланғич баҳоси - 621 000 000 сўм.

II. Тошкент вилояти, Бўстон-лик тумани, Қўшқўрғон ҚФЙ ҳудудида жойлашган "нотураб бино-иншоот", умумий ер май-дони 0,1612 Га бўлган, қурилиш остидаги участка майдони 529,56 кв.м., умумий фойдала-ниш майдони 471,46 кв.м. Бош-

ланғич баҳоси - 159 000 000 сўм.

III. Тошкент вилояти, Бўстон-лик тумани, Богистон ҚФЙ, Бола-дала қишлоғида жойлашган "дўкон" биноси, умумий майдо-ни 0,01592 Га бўлган, қурилиш остидаги участка майдони 159,23 кв.м., умумий фойдаланиш май-дони 115,21 кв.м. Бошланғич ба-ҳоси - 150 000 000 сўм.

IV. Тошкент вилояти, Бўстон-лик тумани, Богистон ҚФЙ, Бола-дала қишлоғида жойлашган "ом-борхона" биноси, умумий май-дони 0,0348 Га, қурилиш ости-даги участка майдони 348,58 кв.м., умумий фойдаланиш май-дони 315,95 кв.м. Бошланғич баҳоси - 120 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 29 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш ку-лар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2016 йил 25 ноябрь соат 16.00 гача. Кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пу-лини тўлов ҳужжатида ижро ҳуж-жати рақами ва санасини кўрсат-ган ҳолда "K'o'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақа-вий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиали-даги х.р.: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказила-диган ман-зил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rielttsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассас:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзил:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@uamail.uz

Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терийлди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Ҳолмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусахҳиҳ
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ